БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 46 (16.736). | 24 февраль 1977 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТНИНГ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТИ

Одатда энг яхши, актив коммунистларга партия ташкилотлари шундай характеристика берадилар: «Ҳаётда актив позицияда тура олади, ҳамиша олдинги сафда бўлишга интилади, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиши билан ажралиб туради. Сўзи билан иши бир. Ғоявий етук, мустаҳкам эътиқодли, фидонор ва халол-пок. Ҳар доим ва ҳамиша Ленин партияси аъзоси деган юксан номга муносиб ҳаракат қилади». Аслида, булар ҳақиқий коммунистга хос энг олижаноб фазилатлардирки, улар кундалик хулқ-атвор нормасига айланиши билан инсон шахсини улуғлайди.

Биз учун ниҳоятда азиз бўлган бу фазилатлар орасида ҳаётда актив позицияда тура билиш — энг биринчи ўринда туриши бежиз эмас. Зеро, сиёсий етук, ғоявий чиниққан, эътиқоди барқарор, партия ва халқ ишига чексиз содиқ кишиларгина, коммунистларгина ҳаётда ҳамиша актив позицияда тура оладилар, улар принципиал бахсларда қатъий фикрларини айта оладилар, кўриб-кўрмаганга олиш, менинг ишим нима деб ўзни четга тортиш, коммунистик эътиқоддан тойиб, камчиликлар билан, масъулиятсизлик, енгил-елпи ишлар билан муроса қилиб кетиш уларга ётдир. Улар ғоявий мақсади тиниқлиги, ахлоқий принциплари маҳкам-поклиги, дунёқараши софлиги, гражданлик қарашлари етуклиги билан бошқалардан бир поғона баланд турадилар. Шунинг учун ҳам биз КПСС ўз аъзоларининг юксак ғоявийлиги, активлиги, фидоийлиги билан кучлидир деймиз. Коммунистлар шуни яхши биладиларки, партия ғояларига садоқатдан бошқа ҳеч бир нарса инсон шахсини бунчалик улуғлай олмайди. Худди шу нарса бизнинг актив ҳаётий позициямизни белгилайди.

Биз КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни кутилгандан знёда бажара бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши якунладик. Съезд очилган кунинг бир йиллигига ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бутун-бутун коллективлар янги-янги ташаббуслар билан майдонга чиқдилар ва улкан зафарларни қўлга киритмоқдалар. «Сифат ва самарадорлик — виждон ишимиз!», «Енимизда қолоқлар бўлмайди!», «Ёшлар бизнинг оталиғимиздa!». Шундай шиорлар остида бошланган мусобақаларнинг ўзи ҳам ташаббускорларнинг, бутун-бутун коллективларнинг актив ҳаётий позицияда турганидан, халқимизнинг партия ғояларига садоқатидан далолат бермоқда.

Куни кеча Марғилондан хушхабар келди. «Атлас» бирлашмасининг уч ўрнига еттита станокда ишлаётган зарбдор тўқувчи, КПСС XXV съезди делегати Абдубанноп Умаров Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига янги ташаббус билан чиқиб, зиммасига ўша кунгача тўрт йиллик план миқдорида атлас тўқиб бериш мажбуриятини олибди. Ҳозир ҳар сменада қариб юз метрдан хонатлаç тўқиб, тармоқ бўйича рекорд кўрсатмоқда. Бу оддий бир коммунистнинг актив ҳаётий позицияда туриб, партиямиз Марказий Комитети октябрь Пленумининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳақидаги даъватига амалий жавобидир. Биргина шу корхонада 63 зарбдор ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик планни уддалаш, икки минг ишчи эса беш йилликни муддатидан анча олдин бажариш ҳаракатига қўшилган. Бу бизда актив ҳаётий позицияда туриш минглаб кишиларнинг виждон ишига, коммунистлик бурчига айланиб бораётганини билдиради.

Коммунистнинг актив ҳаётий позицияси деганимизда биз унинг нечоғли авангардлигини тушунамиз, партиянинг чиниққан ғоявий жангчиси, эътиқоди қурашчисини тасаввур этамиз. Ҳамиша олдинги сафда борадиган, энг қийин жойга интиладиган, бошқаларга ибрат-намуна кўрсатиб, уларни ўзига эргаштира оладиган, партия ва халқ иши, Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишни ҳаётининг асл мақсади деб билган кишилар кўз олдимизга келади. Бундай кишилар ҳамиша партиявий позицияда тура оладилар, камчиликларни муросасизлик билан очиб ташлайдилар, дабдабавозлик, нибрланиш, маҳаллийчилик, миллатчилик ва сиёсий сафсатабозликка ўз ўрнида боплаб зарба бера оладилар. Улар соғлом танқид тарафдори бўлган кишилардир. Бундай коммунистлар умум манфаатини ҳамиша биринчи планга қўйиб иш тутадилар. Ҳақиқат қарор топиши учун астойдил курашадилар.

Шу ўринда Шўрчи район партия комитети бюроси аъзоси, «Ленинизм» колхози бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Гулмирза Ниёзовнинг коммунист сифатида ўтган мавсумда райондаги баъзи машъалвоалик касалига учраган бригадирларга нисбатан тутган принципиал позициясини эслатиш ибратлидир. У ниҳоятда муҳим масалани кўтарди, йил бошида кенгашларда юксак мажбуриятлар олиб, ташаббусвозлик билан ном чиқаришга ишқивоз бўлган, лекин амалда шу мажбуриятга яраша иш қилмай, йил охирида планни ҳам бажара олмай қоладиган бригадирларнинг ҳисоботини райком бюросида эшитишни таклиф қилди. Бюрога бу масалани тайёрлашда ўзи актив иштирок этди.

Коммунист сўзи ва иши бир бўлган, ҳар қандай шароитда ҳам сўзининг устидан чиқадиган, ана шу ҳислати билан бошқаларга ибрат бўладиган кишидир. Анс ҳолда у партиясиз кишилар кўз ўнгида бебурд бўлиб қолади, унга ҳеч ким ишонмайди ва эргашмайди. Ҳақиқатан ҳам коммунист бошқаларни фидокорона ишлашга даъват этса-ю, ўзи фидокорлик кўрсатмаса, сифат ва самарадорликни ошириш ташаббуси билан чиқса-ю, ўзи бунинг уддасидан чиқмаса, йиғинларда ҳаммани юриш-туришда, оилада ғамхўр бўлишга ундаса-ю, ўзи кундалик ҳаётда шунга амал қилмаса, уни одамлар «вайсақи» ёки «маҳмадона» деб атайди. Партия ташкилотлари бундай сохта машъалларнинг юзага чиқишига мутлақо йўл қўймасликлари керак.

Сўз ва иш бирлигига амал қилмаслик, у қайси формада намоён бўлмасин, хўжалик қурилишига, айниқса ахлоқий тарбияга катта зарар етказишини биз сира унутмаслигимиз керак. Бундай қолларда партиявий позицияда туриб унга тегишли баҳо бериш ва тўғри хулоса чиқариб олиш ниҳоятда муҳимдир.

Баъзан шундай ҳам бўладики, айрим коммунистлар камчиликларни нўра била туриб, ўзларини кўрмаганга оладилар. Менга нима даҳли бор қабилида иш тутадилар. Қўл учида бажарилган ишлардан кўз юмадилар. Брак маҳсулот бераётган, сифатсиз иш қилаётган одамларни тартибга чақиришдан ўзларини тиядилар. Қулоғимнинг тинчи — жонимнинг ҳузури, деб ҳар нарсага бефарқ қарайдилар. Партия ташкилотлари ана шундай пассив коммунистлар билан алоҳида тарбиявий ишлар олиб бормоғи, уларда ишонч уйғотмоғи, курашчанлик руҳини сингдирмоғи, ҳаётда актив позицияни эгаллашларига яқиндан ёрдам бермоғи даркор.

Актив ҳаётий позиция ўз-ўзидан вужудга кела қолмайди. У ҳар куни, ҳар соат, ҳатто ҳар дақиқада шаклланиб боради. У ҳар бир сўзимиз, ҳар бир қадамимиз, ҳар бир воқеага муносабатимиз билан белгиланади. Тўғрисўзлик, ҳақгўйлик, адолатга чанқоқлик, ҳалоллик, камчиликларга муросасизлик, бағритошлик ва бефарқликни сингдира олмаслик — булар ҳаммаси актив ҳаётий позицияни шакллантириб, чиниқтириб борадиган омиллардир. Ҳаётга энди дадил қадам қўйиб келаётган ёш коммунистларга ана шундай энг яхши фазилатларни қарор топтириш айниқса муҳимдир. Бу партия ташкилотлари олиб борадиган тарбиявий ишларнинг мағзини ташлиб этмоғи керак.

Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида алоҳида таъкидлаб шундай деган эди: «Ҳаётда актив позицияда туриш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан ишнинг бирлиги кундалик хулқ-атвор нормасига айланиши инсон шахсини улуғлайдиган энг зарур фазилатлардир. Шундай позицияни вужудга келтириш ахлоқий тарбиянинг вазифасидир».

60

◆ КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

◆ УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

◆ ИЛҒОР ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

◆ ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ ҚИЛИНМОҚДА

АЛМАШЛАБ ЭКИШ — ҲОСИЛДОРЛИК КАЛИТИ

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР—КЕНГАШ

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида область колхоз ва совхозларида алмашлаб экишга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда область ва район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиқлари, мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг бош агрономлари, ер тузувчилар ҳамда область ташкилотлари раҳбарлари, партия, совет активлари қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари «Узгипрозем» лойиҳалаш институти Сурхондарё область филиали бошлиғи А. С. Кимнинг «Область хўжаликларида алмашлаб экишнинг аҳамияти тўғрисида»ги докладини тингладилар. Жарқўрғон район «Москва» колхозининг бош агрономи Ж. Хўжанов, Денов районидаги «Москва» колхозининг бош агрономи Х. Рўзиқуловлар ўзлари меҳнат қилаётган колхозда алмашлаб экишга ўтилганлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қўлга киритилган катта ютуқлар ҳамда тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кўргазмали семинарда «Узгипрозем» лойиҳалаш институтининг Самарқанд областидаги «Зарафшон» филиалининг директори Р. М. Раҳматов, Самарқанд область Иштихон районидаги А. Навоий номли колхоз раиси К. Равшанов ўртоқлар гапирдилар. Кўргазмали семинар-кенгашда Узбекистон КП область комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. К. Каримов нутқ сўзлади.

А. ХАЛИЛОВ.

МЕҲНАТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

Москваликларнинг ватанпарварлик ташаббуси тўғрисидаги хабар Самарқанд локомотив депоси коллективи ғайратини оширди. Бу ерда бўлиб ўтган кўп кишилик митинг қатнашчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллигини ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб нишонлашга қарор қилдилар.

—Ленинча шанбалик қатнашчиси бўлиш шарафи юксак, — деди митингда машинист П. Ситников. — Коммунистик меҳнат байрами куни йўлга кетадиган вақтни қисқартириш мажбуриятини оламан.

Самарқандлик темирйўлчилар шанбалик куни ҳамма составларни графикдан ўзиб тежалган ёқилғи билан келтиришга қарор қилдилар.

Митинг қатнашчилари депонинг ҳамма темирйўлчиларига мурожаат этиб, коммунистик меҳнат кунини рекорд даражада ўтқ ўнуми кунига айлантиришга чақирдилар. Ишлаб топилган ҳамма пулни ўнинчи беш йиллик фондига беришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Ўсимликларни биологик ва интеграция усулларида ҳимоя қилишга бағишланган республика кенгаши Самарқандда икки кун давом этди. Кенгаш ишида биолабораториялар мутахассислари, агроном-энтомологлар, Тошкент, Москва, шунингдек Украина ва Тожикистон илмий марказларининг олимлари иштирок этдилар. Кенгаш иштирокчилари ўсимликларни биологик ҳимоя қилишни кучайтириш тадбирларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этаётган Ленин орденли ва Меҳнат Қизил байроқ орденли В. И. Ленин номли Олмалиқ конметаллургия комбинати коллективи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўлида 1976 йилги халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. Корхона КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Суратларда: (юқорида) комбинатнинг Қалмоққир конида вагонларга руда ортилаётган пайт. Пастдаги суратда корхонанинг илғор ишчиси С. Танжарихов.

Г. Пун ва С. Метелица фотолари, (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, УЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН, 1976 ЙИЛГИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1976 йилги халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган саноат, қурилиш, транспорт ҳамда халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг республика социалистик мусобақаси якунларини қараб чиқиб, қуйидагиларни ғолиблар деб топдилар ва мукофотладилар:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда дипломлари ва пул мукофотлари билан қуйидаги коллективлар мукофотландилар:

— СССР Химия саноати министрлигининг Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

— Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг СССР 50 йиллиги номли Сирдарё ГРЭСи;

— СССР Қора металлургия министрлигининг В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи;

— Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг «Узкожобувпром» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Янгийўл пойафзал фабрикаси;

— «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трести.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасининг ғолиблари бўлган саноат, қурилиш ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг коллективларини қутлайдилар ва республика ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, барча меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнатда янгидан-янги ютуқларга эришиш билан кутиб оладилар, бутун куч, билим ва тажрибаларини ўнинчи беш йиллиқнинг улкан вазифаларини амалга оширишга бағишлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Қашқадарёликлар ташаббусига жавобан

КАТТА ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ қила бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришдилар. Ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида давлатга пахта, дон, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва жун сотиш бўйича белгиланган халқ хўжалик планларини муддатидан илгари оширишга бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ходимларига, она-Ватанимизнинг барча меҳнаткашларига Мактубини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини зўр мамнуният билан кутиб олдик. Колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларида мамлакатимиз ҳамда республикамиз чорвадорларининг ватанпарварлик ташаббуслари атрофлича муҳокама қилиниб ишлаб чиқилди, бу областимиз чорвадорларининг янги резерв ва имкониятларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишда катта роль ўйнамоқда.

Қашқадарёликларнинг ташаббусига қўшилиб ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССР Чорвачилик илмий тадқиқот институти «Красный водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш бўйича машҳур оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати А. И. Чуднаага йўллаган табрик мактубига жавобан областимиз чорвадорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича янги уфқларни белгиладилар. Ем-хашак базасидан унумли фойдаланиб, ҳамда зооветеринария қоидалари асосида чорва молларини яхши парвариш қилиб колхозлар ва давлат хўжаликларида гўшт етиштиришни 20 минг тоннага, сутни 78 минг тоннага, тухумни 98 миллион донага, жунни 500 тоннага йириқ шохли моллар сонини 142 минг бошга, шу жумладан, сигирларни 42,5 минг бошга, қўй ва эчкиларни 285 минг бошга, чўчқаларни 8 минг бошга, паррандаларни 720 минг бошга етказамиз. Ҳар юз бош сигирдан 87 тадан бузоқ ва ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 105 тадан қўзи ҳамда улоқ ва 2300 та чўчқа боласи олишни таъминлаймиз. Гўштга топшириладиган қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширамиз. Чорвачилик ва паррандачиликни янада ривожлантирамиз. Ҳар бир соғин сигирдан олинадиган сут миқдорини ўртача 180 килограммдан кўпайтирамиз. Бўрдоқига боқиладиган қора молларнинг ўртача вазнини 420 килограммга, чўчқаларни эса 110 килограммга, қўй ва эчкиларни 50 килограммга етказамиз.

Давлатга кўплаб миқдорда гўшт ва парранда гўшти етказиб берамиз, жумладан 12,6 минг тонна қорамол ва парранда гўшти, 63 минг тонна сут, 80 миллион дона тухум, 1000 тонна жун сотамиз. Давлатга топшириладиган сутнинг 95 процентини биринчи сортга ва бўрдоқи гўштининг 96 процентини юқори сортларга сотилишини таъминлаймиз.

Озуқабоп экинлар етиштиришнинг замонавий прогрессив технологиясини жорий этамиз, ҳар гектар ердан самарали фойдаланишни таъминлаймиз, оралиқ ва такрорий озуқа экинларини экиш усулларидан кенг фойдаланамиз. Беда ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 120 центнерга, маккажўхори ва жўхори ҳосилдорлигини 400 центнерга, озуқабоп илдиз мевалар ҳосилдорлигини 450 центнерга етказамиз. Бу йил 350 минг тонна дагал-хашак тайёрлаймиз, 170 минг тонна сенаж ва 410 минг тонна силос бостирамиз, 13 минг тонна витаминли ўт талқони тайёрлаймиз.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини 70 процентга оширамиз, чорвачиликни механизациялаш даражасини 98 процентга етказамиз, чорва молларига озуқа тарқатишни 90 процентга, ўғит жамғаришни 87 процентга, суғориш ишларини эса 100 процентга етказамиз.

Ўнинчи беш йиллиқнинг иккинчи йили муваффақиятли бошланди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада ғолиб чиқиш учун бутун куч ва билимларимизни юбилей йили марраларини эгаллашга сарфлаймиз.

Социалистик мажбуриятлар область қишлоқ хўжалиги илғорларининг йиғилишида қабул қилинган.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

22 февраль куни Совет Армияси Марказий академик театрида пойтахт меҳнаткашлари вакиллари ва Москва гарнизони жангчиларининг Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 59 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Ф. Ватченко, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, СССР Министрлари, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, Совет Иттифоқи ва қўшин турларининг маршаллари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари бор эди.

Қуролли Кучлар бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков йиғилиш аҳли ҳузурида доклад қилди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

ДЎСТЛИК ҚУРИЛИШИ

22 февраль куни Москвада СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко раислигида Оренбург — СССР Ғарбий чегараси газ қувури қурилишида социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлигига доир ҳукуматлараро комиссиянинг учинчи мажлиси бўлди. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг энг йирик қурилиши қандай бораётганлиги муҳокама қилинди. Бу қурилиш социалистик иқтисодий интеграция доирасида амалга оширилмоқда.

1976 йилда катта ҳажмдаги ишлар бажарилганлиги, газ магистралининг қурилиши белгиланган график асосида олиб борилганлиги мамнуният билан қайд этилди. Мажлисда 1977 йилги иш плани қараб чиқилиб, уни бажаришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Комиссия ишида қурилиш қатнашчиси бўлган мамлакатлар: Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румния, Совет Иттифоқи ва Чехословакия ҳукуматлари бошлиқларининг ўринбосарлари, тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. (ТАСС).

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИНИНГ СЪЕЗДИ

22 февраль куни Москвада медицина ходимлари касаба союзининг XII съезди ёпилди.

Съезд медицина ходимлари олдида турган муҳим вазифаларни муҳокама қилиб чиққач, соҳа ходимлари Октябрнинг 60 йиллигини, ўнинчи беш йилликни меҳнатда янгидан-янги марраларга эришишга бағишлайдилар, совет халқининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ишига мувосиб ҳисса қўшадилар, деб партия Марказий Комитетини ишонтирди.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, СССР соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский, медицина саноати министри А. К. Мельниченко қатнашдилар.

Касаба союз Марказий Комитетининг янги состави, ревизия комиссияси, СССР Касаба союзларининг XVI съездига делегатлар сайланди.

Касаба союз Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумида Л. И. Новак яна Марказий Комитетнинг раиси қилиб сайланди.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Узбекистон ССР Маданият министрлиги Тошкентда олий ўқув юртлариаро конференция ўтказди. Конференция ижодкор ёшларни тайёрлаш жараёнида коммунистик дунёқарашни шакллантириш мавзуига бағишланди. Конференцияда олимлар, ўқитувчилар, давлат консерваторияси, театр-рассомлик институти ва маданият институти партия ҳамда жамоат ташкилотларининг намояндалари, Москва ва Ленинград олий ўқув юртларидан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари икки кунлик иш давомида КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарори асосида кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар. Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, бўлғуси мутахассисларни ғоявий чиниқтириш даражасини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

«САЛЮТ—5»: КОСМОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 23 февраль. (ТАСС). Космонавтлар Виктор Горбатко билан Юрий Глазковлар «Салют-5» станциясида планлаштирилган илмий ва техникавий тадқиқотлар программасини бажариб бўлдилар.

22 февраль куни ер сатхи ва атмосфера бир неча бор спектрал суратга олинди. Олинган маълумотлар табиий ходисаларнинг турли типлари спектрал характеристикаларни аниқлаш учун, шунингдек ер атмосферасидаги аэрозоль ва бошқа моддаларни чамалаш учун фойдаланилади.

Бугун экипаж станцияни учишнинг автомат режимига ўтказиш ҳамда транспорт кемасини станциядан ажратишга ва қўндиришга тайёрлаш операцияларини бажармоқда. Ўтказилган тадқиқотлар материаллари транспорт кемага олиб ўтилмоқда. Экипаж берган маълумотларга ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, Горбатко ва Глазков ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги ва кайфияти яхши.

Транспорт кема ва «Салют-5» станцияси системалари нормал ишлаб турибди. Экипаж ерга қайтишга тайёргарлик кўрмоқда.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Бугун мамлакатимизда коммунистик қурилишда янги босқични белгилаб берган КПСС XXV съезди ўз ишини бошлаган кунга бир йил тўлади. Партия XXV съезди халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган ўнинчи беш йиллик планларини муҳокама қилди ва тасдиқлади. Утган бир йил бу планларнинг нақадар реаллигини амалда кўрсатди. Барча совет кишилари қатори съезд қарорларини ҳаракат программаси қилиб олган республикамиз меҳнаткашлари партиямиз илга сурган вазифаларни изчиллик билан бажариш, беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли уддалаш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Утган йили халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича план ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилгани ана шу самарали курашнинг илк натижаси бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига қизғин тайёргарлик ишлари ҳамма жойда ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун олиб борилаётган кураш бўйича қўшилиб кетди. Бугун газетамизда партия ва совет ходимларига, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги илғорларига сўз берамиз. Улар ўтган бир йил ичида ўзлари ва коллективларида КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан қилинган ва қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ҒАЛЛАОРОЛ. Райондаги Ғафур Ғулом номли совоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш биринчи квартал планини бажардилар. Қабул пунктларига 570 центнер ўрнига 583 центнер гўшт етказиб берилди. «Гулистон» совхози чорвадорлари ҳам пландаги 190 центнер ўрнига 347 центнер гўшт топшириб, биринчи квартал планини уддаладилар.

* * *

ПАХТАОБОД. Райондаги «Москва» колхозининг азамат чорвадорлари 300 центнер бўрдоқи гўшти топшириб, биринчи квартал планини 180 процент адо этдилар. Бўрдоқига топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 400 килограммни ташкил этди.

* * *

ОХУНБОБОЕВ. Райондаги «Октябрь 50 йиллиги» колхози бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш юзасидан 9 ойлик планни ортиғи билан уддаладилар. Қабул пунктларига 210 центнер ўрнига 215 центнер гўшт топширилди.

Фрунзе номли колхоз бўрдоқибоқарлари ҳам катта зафар қучишди. Тайёрлов пунктларига 560 центнер ўрнига 630 центнер гўшт топшириб, биринчи квартал планини ортиғи билан адо этдилар.

Октябрь революцияси номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига мусобақани тобора қизитмоқда. Байрам шарафига бошланган зарбдор вахтада Октябрь революцияси орденли қуювчи Абдулла Султонмуродов голиблик қилмоқда. Унгдаги суратда: коммунистик меҳнат зарбдори А. Султонмуродов.

Р. Ашуров ва А. Усмонов фотолари. (ЎзТАГ).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

ОЙДИН КЕЛАЖАК

Қарши даштида янгичка толали пахта етиштириладиган янги йирик район барпо этилсин.

(1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан).

«Ҳали кўрасиз, пайти келиб бу дашт ерлар энг гаштли ерлар бўлади», — деган эди қаршилик бир мўйсафид бундан ўн-ўн беш йил муқаддам. Қари билганни пари билмайди, дейишади. Ўша отахон айтган пайтлар келяпти. Ҳозир Қарши дашти жуда катта қурилиш майдонига айланган. Унинг харитасида сўнгги беш-олти йил ичидаёқ пайдо бўлган Ульянов, Нишон, Деҳқонобод районлари, Косон, Муборак, Таллимаржон шаҳарлари ва ўнлаб йирик посёлкалар фикримизнинг далилидир.

Эсингизда бўлса, Қашқадарё яқин-яқин вақтларгача сувга танқис, экин майдонлари бирмунча оз областлардан бири ҳисобланарди. Қарши даштини суғориш ва бу ерда ингичка толали пахта етиштириш базасини вужудга келтириш масаласи партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилиши билан асрлар бўйи сувсизликдан қақраб ётган ерларга ҳужум бошланди. Партия даъвати ва халқ иродаси билан суғориш ишларининг жуда катта тадбирларини амалга оширишга киришилди. Қисқа муддат ичида Чимқўрғон, Пачкамар сув омборлари, Нўғайли, Қорабоғ, Лангар селхоналари, олтита ноёб станцияга эга бўлган Қарши магистрал канали, Ульянов номли, «Москва», Сандал, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» каби йирик каналлар ва бошқа кўплаб сув иншоотлари ишга туширилди. Утган беш йилликда сув хўжалиги қурилишларига 677 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Буларнинг ҳаммаси дашт ерларни ўзлаштириш, халқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш, айниқса пахта етиштиришни кескин кўпайтириш имконини бермоқда.

Жонажон партиямизнинг тарихий XXIV ва XXV съездлари қарорларига мувофиқ, Қарши даштида қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш ишлари кенг қўламда авж олдириб юборилган даврдан буён 91,6 минг гектар суғориладиган майдон воҳа деҳқонлари ихтиёрига берилди. 667 минг квадрат метр уй-жой, кўплаб ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Қўриқ ерларда ташкил этилган 22 та пахтачилик совхози бугунгача 200 минг тоннадан кўпроқ пахта, 15 минг тонна дон, 16 минг тонна сабзавот, 10,9 минг тонна полиз маҳсулотлари ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирди.

Ўтган беш йилликнинг ўзида областда 82 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Қурилиш ишлари бошлангандан буён эса 837 миллион сўм капитал маблағ сарфланиб, 729 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди, 76 минг гектар янги ер комплекс ўзлаштирилди. Бу ишларни амалга оширишга бизнинг «Каршистрой» бошқармамиз коллективи катта ҳисса қўшди.

Қашқадарёни ҳақли равишда чўлқуварлар ўлкаси, дейди халқимиз. Ана шу чўлқуварлар ўлкаси — Қарши дашти келгусида мамлакатга йилига 1,3 миллион тонна «оқ олтин» ҳадя этади. Уни ўзлаштиришга 5 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Ўнинчи беш йилликда «Каршистрой» бошқармаси қурувчилари 836 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштиришлари, 110 минг гектар янги ерларни деҳқончилик оборотига киритишлари, 621 минг квадрат метр уй-жой ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишлари керак. Халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 30 процент ўсади. Элликка яқин саноат корхоналари қурилади ва реконструкция қилинади. Чўлқуварларнинг фарзандлари учун 250 мактаб ва мактабгача болалар муассасалари қад кўтаради. Ғузор районида қум-шағал саралаш ва асфальт-бетон заводлари Бешкентда керамзит ва деворбоп материаллар заводи, Косонда ёғ-экстракция заводи, шунингдек, 8 та пахта тозалаш корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Дашт бағрида электр энергияси ҳосил қилишни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. Толлимаржон электр станцияси қурилиши бошлаб юборилади. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпаяди. САНИИРИ, Союзнихи, «Средазгипроводхлопок» илмий-текшириш институтлари ҳамкорлигида ягона илмий текшириш станцияси комплекси ташкил этилади.

Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз! Ҳозирги кунда Қарши даштининг минг-минглаб чўлқуварлари ана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Бошқарма коллективлари юбилей шарафига уйсозлик комбинатини, ёғочсозлик ва керамзит заводларини ҳамда 2-темир-бетон буюмлари корхонасини барвақт ишга туширишнинг ҳаммаларига ошириш мажбуриятини олдилар. «Гидростроя», «Целинстрой», «Дренажстрой», «Водстрой», «Каршиирмонтаж», «Каршинромжилстрой», «Совхозстрой» трестларида, автотранспорт ташкилотларида социалистик мусобақа байроғи ҳар қачонгидан баланд кўтарилган.

Республикамиз 15 нафар илғор қурувчисининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган ажойиб ташаббуси ҳар бир меҳнат коллективини янги марраларга руҳлантириб ибориди. Рўзи Мустафоқулов, Мейли Ҳакимов, Муродулла Элбеков ўртоқлар бошлиқ илғор комплекс бригадалар, Анатолий Панкеевич, Резико Месхи раҳбарлик қилаётган монтажчилар бригадалари ўнинчи беш йиллик уч йили топшириқларини 1977 йилнинг 7 ноябрига бажариш мажбуриятини олганлар. Ўн беш ташаббускорнинг бири — қаршилик бунёдкор, бошқарма комплекс комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Рўзи Мустафоқулов эканлиги ҳар бир чўлқувар қалбига чўғ ташлади. Унинг бригадаси бошлаган ташаббус тезда қанот қоқди. Анатолий Шишулин, Валентина Зайцева, Владислав Найфонов, Рустам Бекназаров, Назиржон Мамашев ўртоқлар бошлиқ монтажчилар, пардозловчилар, бульдозерчилар, скрейперчилар ва экскаваторчилар бригадалари ҳам байрамгача беш йилликнинг уч йили план-топшириқларини бажаришга аҳд қилдилар. Шоферлардан Н. Данко, Н. Владечко, Н. Макаров, В. Алдаев, қувур ётқизувчи слесарь Д. Тошев, бетончи М. Ҳакимов сингари яна кўплаб чўлқуварларимиз бу янги ватанпарварлик ҳаракати ташаббускорларидан сира орқада қолмасликка интилмоқдалар.

Бошқармага қарашли барча қурилиш ва монтаж бўлинмаларининг меҳнат коллективлари юбилей олди социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириб, қуввати 563 минг куб метр йиғма темирбетон маҳсулотлари, керамзит-бетон панель тайёрлаб берувчи бинокорлик материаллари ва конструкцияларни комбинатини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Чунончи: керамзит ишлаб чиқарадиган завод шу йилнинг 5 апрелигача, 2-темир-бетон буюмлари заводининг учта пролёти 1 майгача, уйсозлик комбинатининг биринчи поток линияси ва ёғочсозлик заводининг бутун комплекси 1 июнгача ишга туширилади. Чўлқуварларнинг бу юксак мажбуриятлари бундан бир ҳафтача олдин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қизғин маъқулланиши катта воқеа бўлди. Шубҳа йўқки, бу тадбирларнинг амалга оширилиши Қарши даштида ерларни комплекс ўзлаштириш суръатларини янада жадаллаштириш имконини беради.

С. МУРОДОВ,
«Каршистрой» бошқармаси бошлиғи.

Андижон сув омбори қурилишида ишлар кундан-кунга авж олмоқда. Гидроиншоот шу йилнинг ўзида дастлабки юз миллион куб метр об-ҳаёт тўплайди. Сув омбори тўғонини барпо этишда «Андижангидрострой» тресті 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Улар Улуғ Октябрь юбилейи кунигача 162 минг куб метр бетон ётқизиш мажбуриятини олишган. Чапдаги суратда: участка прораби А. Журавлев, (ўртада) бригада бошлиқлари В. Опарин ва Г. Петрашкевичлар билан кунлик топшириқни аниқламоқда.

Сўз — съезд делегатларига

Партия XXV съезди коммунизм сари дадил қадам ташлаётган советлар мамлакати тарихида, қон-қардош халқлар тақдирида алоҳида ўрин эгаллайди. Утган бир йил якуни буни яққол кўрсатмоқда. Шу муддатда мамлакат экономикаси ва маданиятини юксалтиришда мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Партия съезди қарорларини амалга оширишда коммунистларнинг авангардлик роли тобора кучаймоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Свердловск областининг бир группа новаторлари — партия съезди делегатларига йўллаган мактубида буни алоҳида таъкидлади.

МИНУТЛАР ҚАДРИ

Бекобод металлургия заводи пўлат қуювчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат Мамажон ЕДГОРОВ:

— КПСС XXV съезди ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб қолади. Мен шу съезд ишларида қатнашдим, мамлакат истиқболини кўзлаб қабул қилинган планлар муҳокамасида иштирок этдим. Шу руҳ мени резерварни ишга солишга, иш вақтининг ҳар бир минутидан оқилона фойдаланиб, самарадорликни оширишга, пўлат сифатини муттасил яхшилаб боришга даъват этмоқда.

Минутлар қадри... Бу ҳақда гапирганимизда кўпгина резервлар борлигини ҳис қиламиз. Печлардан фойдаланиш муддатини озгина бўлса-да узайтиришни олайлик. 1976 йили 3-печда 300 ўрнига 345 бор пўлат эритдик. Ремонт муддатини эса бир кунга қисқартириш ҳам катта фойда келтирмоқда. Пўлат эритиш муддатини камайтириб боришни айтмайсизми? Одатда 8-10 кунда печлар жорий ремонт қилинади. Шу ремонт пайтида бир соатлик иш вақтини қисқартириш қўшимча равишда 12 тонна пўлат эритиш деган сўз. Шуларни назарда тутиб, бригадамиз коммунистлари иш вақтини тўғри ташкил этишга, технология режимини тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Коммунистлардан Виталий Сальтиков, Чингиз Маҳмудовлар алоҳида ўрнак кўрсатаётирлар.

Ўнинчи беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишига ҳар биримиз даҳлдормиз. Бу ўринда коммунистларнинг масъулияти айниқса кучлидир. КПСС XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, коммунистлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини тобора яхшилашда байроқдор бўлишлари керак. Уларнинг ибрати меҳнат коллективларида сафарбарлик, ташаббускорлик вазиятини вужудга келтиради. Худди шу нарса муваффақиятни таъминлайди.

ИФТИХОРИМ

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдубаниёп УМАРОВ:

— Сўнгги бир йилнинг натижаларини сарҳисоб қилсак, қалбимиз олам-олам қувонча тўлади. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашаётган совет халқи олга томон яна бир катта қадам ташлади. Корхонамизни олайлик. Бу ерда кўпгина ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди, атлас тўқиш жараёни такомиллаштирилди. Натижада меҳнат унумдорлиги анча кўтарилди. Топширган маҳсулотимизнинг 97 проценти биринчи сортга қабул қилиняпти.

Съезд йили ижтимоий ҳаётимда ҳам катта бир натижа билан якунланди. Илғор тажриба мактабида ўқитиш йўли билан 28 шогирд тайёрладим. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда дастгоҳлардан унумли фойдаланмоқдалар, меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар. Биргина Омина Эрматовани олиб кўринг. У бир йил мобайнида тўрт станокда ишлаш малакасини ҳосил қилди. Ҳамиша сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ўтган йили 18 минг метрдан ортиқ атлас тўқиб, икки йиллик шахсий планимни анча ортиғи билан бажардим. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига байрамгача тўрт йиллик планни бажармоқчиман. Шу кунларда 7 та дастгоҳда атлас тўқимоқдаман.

КПСС XXV съездига партия Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев ўнинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда ишчи синфи олдида турган улуғвор вазифаларни очиқ-ойдин баён қилиб берган эди. Муносиб шогирдлар тайёрлаш, касб-кор маҳоратни ошириш ана шу вазифаларнинг энг муҳимларидан биридир. Бирлашмамиз цехларида, барча бригадаларда мураббийлик ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Илғор тажриба мактаблари ташкил этилган. Ишга келган ҳар бир ёш қисқа муддатда шонли коллективимизнинг ягона сафидан ўз ўрнини топиб олмоқда. Бунда устозларнинг ибрати, уларнинг тарбиявий таъсири муҳим омил бўлаётир. Мен бу йил ўз тажрибамни 30 ёш ишчига ўргатмоқчиман. Бу осон эмас, албатта. Уларнинг ҳар бири билан тарбиявий иш олиб бориш, ёш қалбларда ишчи касби билан фахрланиш туйғусини уйғотиш лозим. Бусиз муваффақиятга эришиб, бўлмайди. Биз съезд қарорларини амалга ошириб, ҳар бир ишчи юксак унум билан меҳнат қилишига, иш жойидаги «кўз илғамас» резервларнинг барчаси тўла ишга солинишига эришаверамиз.

БОШҚАРУВ СИСТЕМАСИ — ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ ФАНИ

Иқтисодий назария масалалари

Мамлакатимиз тарихи совет жамиятининг олга томон ҳаракатида чуқур из қолдирадиган воқеаларга жуда бой. Партия ва халқ ҳаётидаги ана шундай ажойиб воқеалардан бири КПСС XXV съездидир.

Съезддан буён ўтган бир йиллик шонли тарихимизга назар ташларканмиз, шуни эҳтиёт билан айтиб оламизки, бу съезд ўзининг назарий ва сиёсий хулосаларига ва улардан келиб чиқадиган амалий вазифаларига кўра жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) Пленумида сўзлаган нутқида айтганидек: **«Партия XXV съезди белгилаб берган йўл мамлакатнинг иқтисодий потенциалини муттасил ошириб боришни, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни, коммунизм сари олга ҳаракат қилиб боришимизни таъминламоқда. Бу йўл мамлакат олдида турган ва ҳар бир совет кишисининг манфаатларини кўзда тутган энг актуал проблемаларни ҳал этишга қаратилган».**

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳар томонлама тараққиёти, фан-техника революцияси эришаётган ютуқлар, йирик социал проблемаларнинг муваффақиятли ҳал қилинаётганлиги экономикани бошқаришни муттасил такомиллаштириб бориш билан боғликдир. Чунки бошқарув яхши йўлга қўйилгандагина, янги капитал маблағлар ҳам, янги техника ҳам, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати ҳам яхши самара беради. Шу жиҳатга кўра, бугунги кунда бошқарув фани — бу ғалаба қозониш фани демакдир.

Ривожланган социализм шароитида бошқарув ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида майдонга чиқмоқдаки, унинг негизини умумий жамиятга, шунингдек, фаолиятининг айрим соҳаларига собитқадамлик билан таъсир кўрсатиш ташкил этади.

Ривожланган социализм илғариги жамиятларга кўра анча кенг миқёсдаги вазифаларни қўяди ва ҳал қилади. Бу жамиятнинг ривожланиши коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳалари баб-баравар ривожланишини тақозо этади. Шу муносабат билан ижтимоий, социал-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма томонларини комплекс, гармоник ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

В. И. Ленин **тўғри сиёсат, тўғри йўл ишлаб чиқилганидан кейин ишнинг муваффақияти аввало уни ташкил этишга боғлиқ, деб таълим берган эди.** Бизнинг сиёсатимиз, бизнинг йўлимиз ҳудди шундай. Бинобарин, уни ташкил этиш, яъни экономикани бошқаришни кенг маънода янада такомиллаштириш ҳал қилувчи звено бўлиб қолади.

Жамиятни комплекс ривожлантиришни таъминлаш ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасини ривожлантириш хусусиятларини, унинг тенденциялари ва асосий вазифаларини ҳисобга олишни ва шу билан бирга уларнинг органик боғлиқ равишда ва ўзаро алоқада ҳал қилинишини назарда тутади.

Бизнинг жамиятимиз ҳаётида иқтисодий соҳа муҳим роль ўйнайди. Уни ривожлантиришнинг асосий ҳусуситлари аввало ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсларининг муттасил ўсиб боришидан ҳамда фан-техника революцияси таъсирида юз берган сифат ўзгаришларидан иборатдир.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсини қўйидаги рақамлардан яққол кўриш мумкин: ҳозирги вақтда бизнинг ишлаб чиқарув аппаратимиз 47 мингдан кўп саноат корхонасидан, 27 минг 895 колхоз, 19.510 совхоз, 26 мингдан кўп қурилиш ва монтаж ташкилотлари, 1655 лойиҳа ва тадқиқот ташкилотларидан иборат.

Эндиликда асосий ишлаб чиқариш фондларининг умумий қиймати 8 миллиард сўмдан кўпдир. 1976 йилнинг ўзидагина СССР халқ хўжалигида умумий қиймати 108 миллиард сўмга тенг бўлган асосий фондлар ишга туширилди. Ўтган йил ичида мамлакатимизда бир триллион 111 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди. Нефть қазиб олиш 520 миллион тонна, пўлат ишлаб чиқариш 145 миллион тонна, кўмир қазиб олиш 712 миллион тонна, минерал ўғит ишлаб чиқариш 92,3 миллион тонна, газ қазиб олиш 321 миллиард куб метрни ташкил қилди. 2 миллион 239 минг дона автомобиль, 562 минг дона трактор, 8 миллион дона радиоприёмник, 7 миллион 100 дона телевизор, 5 миллион 800 минг дона холодильник, 13 миллион 300 минг тонна гўшт, 9 миллион 200 минг тонна қанд ишлаб чиқарилди ва хоказо.

Бизнинг республикамизда ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1975 йилдагига нисбатан 5,4 процент кўп ошди. Пландан ташқари 420 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилинди. Капитал қурилиш ва юк ташиш ҳажми ошди.

Ўзбекистон пахтакорлари меҳнатда катта жасорат курсатдилар. Улар она-Ватан хирмонига бутун пахтачилик тарихида энг кўп ҳосил — 5 миллион 337 минг тонна пахта тўкдилар. Ғаллакорлар давлат хирмонига 1 миллион тоннадан кўп дон, шу жумладан 277 минг тонна шоли, 190 минг тонна маккажўхори дони ўйдилар. Мева, сабзавот ва полизчилик экинларидан олинган ҳосил ҳам ҳар қачонгидан мўл бўлди. Республика қишлоқ хўжалиги ялпи ҳосилининг умумий қиймати 1975 йилдагига нисбатан қарийб 8 процент ошди.

Совет мамлакати иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичдаги энг муҳим ўзига хос томони шундаки, хўжаликни бошқариш методлари тобора интенсивлаштирилмоқда.

Экономикани янада жадал ривожлантириш меҳнат унумдорлигини муттасил ўстиришни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, хўжаликка сарфланган ҳар бир сўм, фойдаланилаётган ҳар тонна металл, ёнилғи, цемент, ўғитдан мумкин қадар кўпроқ самара олиш йўли билан мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишни назарда тутади.

КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган партиямнг иқтисодий сиёсатини амалга оширишни планлаштиришнинг илмий асосланган методлари ва формаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки бизнинг мамлакатимиз биринчи бўлиб экономикага планли раҳбарлик қилиш йўлига ўтди. Неча ўнлаб бошқа давлатлар ана шу мураккаб санъатни биздан ўргандилар ва ўрганмоқдалар. Аммо бизнинг олдимизда планлаштириш ишларини янада юксак даражага кўтариш, бу ишни хўжалигимизнинг қиёфаси ва янги миқёсларига, замоннинг янги талабларига мувофиқлаштириб олиб бориш вазифаси турибди.

Бу борадаги вазифалар ўз-ўзидан аён. Бу вазифалар бутун куч ва ресурсларни энг муҳим умумдавлат программаларини бажаришга қаратишдан, тармоқ ва территориал ривожлантиришни, перспектив ва жорий проблемаларни моҳирона уйғунлаштиришдан иборат ва ҳоказо.

Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари билан айтганда, **«бошқарув фаолияти ва аввало планлаштириш соҳасидаги фаолият халқ хўжалигининг пировард натижаларига эришишни кўзда тутиши лозим... Биз экономикага раҳбарликни яхшилаш тадбирларини энг муҳим резерв деб қарашга ҳақлимиз ва шундай деб қарашимиз ҳам керак. Бу резервдан фойдаланиш ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришга, яқин келгусидаёқ самара олишга ёрдам беради».**

СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган Асосий йўналишларида хўжалик юритиш методларини, бошқарувнинг ташкилий структурасини янада такомиллаштириш зарурлиги кўрсатилган.

Саноатда бирлашмалар тузишни ниҳоясига етказиш, ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш ва ихтисослаштириш, бошқарув структурасини яхшилаш ва бошқарув звеноларининг сонини қисқартириш ишлари давом эттирилмоқда. Саноат ва ишлаб чиқариш бирлашмалари барпо этилиши мусобақати билан министрликлар, тармоқлараро органлар аппаратларининг структураси ва функцияларини янада такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида колхозлараро, колхоз-совхоз ва давлат-кооператив бирлашмалари, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, уларни қайта ишловчи ва реализация қилувчи аграр-саноат комплекслари тобора ривожланмоқда. Ноишлаб чиқариш тармоқларида бошқарувнинг ташкилий структураси такомиллашмоқда, бошқарувнинг автоматлаштирилган системаси ва ҳисоблаш марказлари янада ривожланмоқда ва уларнинг самарадорлиги ошмоқда. Айни вақтда бошқарувнинг автоматлаштирилган системаси ва ҳисоблаш марказлари тобора ягона умумдавлат системасига бирлашиб, учёт, планлаштириш ва бошқарув учун информация йиғиш ва уларни қайта ишлаш ишларини кенг йўлга қўймоқда.

Шуниси қувончлики, бизнинг республикамизда ҳам сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва марказлаштиришнинг замонавий формалари тобора кенг жорий этилмоқда, ихтисослаштириш тағин ҳам чуқурлашмоқда, бошқарувнинг ташкилий структураси ҳар қачонгидан яхшиланиб бормоқда.

Социализм шароитида бошқарув фаолияти меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб ва уларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади. Социализмнинг асосий афзалликларидан бири ҳам худди шундадир. КПСС экономикани янада юксалтириш ва халқ хўжалигини бошқаришни тағин ҳам такомиллаштириш вазифасини ҳал қилаётган ҳозирги вақтда меҳнаткашларни бошқарув фаолиятига кенг жалб этиш, бу ишда уларнинг тажриба ва билимларидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

КОММУНИЗМ САРИ

ДАДИЛ ОДИМЛАР

Партиямизнинг тарихий XXV съезди мамалктимиз тараққиётининг ёрқин уфқларини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Саноатда, қишлоқ хўжаликда ва бошқа соҳаларда тобора улкан ютуқларни қўлга киритаётганимизнинг боиси ана шунда. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да **«...Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш ишлари давом эттирилсин»** деб таъкидланган.

Автоном республикада пахтачилик қатори шоличилик ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Янги ерлар ўзлаштирилиши билан ихтисослашган шоликорлик хўжаликларнинг сони ортиб бормоқда. Чунончи, ўтган йилнинг бошларида Тахтакўпир районида «Совет Ўзбекистони», Фрунзе номли совхозлар барпо этилди.

Шоликор ва механизаторлар фан янгиликлари, агротехника ютуқлари, илғор тажрибаларга ҳамиша амал қилиб келяптилар. Улар мўл-кўл шоли етиштиришнинг барча сирларини, усулларини билиб оляптилар, юксак марраларни эгаллаяптилар.

Автоном республика шоликорлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида салкам 200 минг тонна шоли етиштирдилар. Шундан 161,5 минг тоннаси давлатга сотилди. Бу, пландагидан 52 минг тонна, мажбуриятга нисбатан 35 минг тонна кўпдир. Бизнинг совхозимиз азаматлари ҳам катта ғалабани қўлга киритдилар. 4200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56 центнердан хирмон кўтарилди. Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози 5100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53 центнердан, Қораўзак районидаги «Маданият» совхози шоликорлари гектар бошига 52 центнердан ҳосил йиғиб олишди.

Автоном республикамиз шоликорлари ва механизаторлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлашмоқда. Ариқ-зовурларни тозалаш, уруғлик шолиларни саралаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Механизаторлар шоли ўриш ва янчишда ишлатиладиган механизмларни бугун-эрта батамом ремонтдан чиқариб бўладилар. Юбилей йилида Автоном республика бўйича ҳар гектар майдондан 50-55 центнердан шоли ҳосили олиш учун курашмоқдамиз.

У. ҚУРБОННИЁЗОВ,

Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз директори, КПСС XXV съезди делегати.

ИЛҲОМБАХШ ДАЪВАТ

Жонажон партиямиз тарихий XXV съезди мамалктимиз тараққиётининг ёрқин уфқларини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Саноатда, қишлоқ хўжаликда ва бошқа соҳаларда тобора улкан ютуқларни қўлга киритаётганимизнинг боиси ана шунда. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да **«...Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш ишлари давом эттирилсин»** деб таъкидланган.

Партиямиз Марказий Комитетининг 1977 йилда юксак марраларни эгаллашга чақирган Мактуби ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори барча совет кишилари сингари районимиз колхоз ва совхозларининг меҳнаткашларини ҳам янги, юксак чўққиларга илҳомлантириб юборди.

Ҳозирги ғанимат дамларда деҳқонларимиз партия даъватларига амал қилиб, бутун куч ва ғайратларини кўкламги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўришга сафарбар этишган. Бободеҳқонларимиз: «Кўклам ҳаракати—ҳосил баракати», деб бежиз айтишмаган. Эртанги куннинг мўл-кўл ҳосилига шу кунларда пухта ва мустаҳкам замин яратмаган деҳқон панд еб қолади. Буни қалбдан тушунган хўжаликларимиз коллективлари мавжуд ички резервлардан, фан-техника ва прогрессив агротехника илғор тажриба ютуқларидан янада тўлароқ фойдаланишяпти. Умумхалқ социалистик мусобақаси тобора авж олиб бормоқда, кун сайин янги мазмун касб этмоқда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат аҳли ўртасида оммавий-сиёсий ҳамда ташкилий ишларни тобора кучайтириб, барчани қаҳрамонона бунёдкорлик ҳаракатига сафарбар этмоқдалар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ваъдасига вафодор районимиз пахтакорлари КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани муваффақиятли адо этилди. Давлат хазинасига Ромитанинг 71800 тоннадан зиёдроқ «оқ олтини армуғон этилди.

Юбилей йилидаги марраларга яна ҳам юксак. Она-Ватанга 75 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилдик.

Кўкламда 7500 гектар майдонга чигит аниқ уялаб ва 12700 гектарга кенг қаторлаб экилади. Бундан ташқари, пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларда техникага кенг йўл очиб берилади. 11500 гектар майдондаги ғўзалар механизмлар воситаси билан чеканка қилинади, 26 минг гектардаги ғўза барги сунъий ишлаш йўли билан тўктирилади.

Кўриниб турибдики, район меҳнаткашлари олдида амалга оширилиши шарт бўлган улуғвор вазифалар турибди. Мажбуриятларимиз ҳам ундан юксак. Уларни шараф билан бажариш эса қишлоқ меҳнаткашларидан катта масъулият, ғайрат ва матонат, тадбиркорлик билан шижоаткорона ишлашни талаб этади. Шу туфайли ҳам районимиз механизаторлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, қишлоқ хўжалик органларининг ишчилари, мутахассислари мавжуд барча қишлоқ хўжалик техникасини қисқа муддатларда сифатли ремонт қилиш, уни кўкламги ва ёзги дала ишларига тайёрлашга таъминлаш юзасидан муҳим тадбирларни ишлаб чиқдилар ва уни ғайрат билан амалга оширмоқдалар.

Бу йил колхоз ва совхозларда ҳайдов тракторлари ремонти ҳар йилгидан барвақт тугалланди. Ҳозир экиш сеялкаларининг ҳаммаси мавсумга шай ҳолда турибди.

Қолган техника воситаларини ҳам ремонтдан чиқариш, белгиланган тадбирларни ғоят тезкорлик билан кўнгилдагидек амалга ошириш учун ремонт бригадалари состави сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Хўжаликларни керакли запас қисмлар билан тўла таъминлашга таллуқли вазифалар зудлик билан ҳал этиляпти. Механизаторлар, устахоналарда ишлаётган слесарь, токарь ва барча инженер-техник ходимлар орасида социалистик мусобақа авж олдирилди. Мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб бориляпти.

КПСС Марказий Комитетининг Мактубида «Механизатор — замонавий қишлоқ хўжалигининг марказий фигурасидир», — деб техника жиловкорларига, уларнинг яратувчанлик меҳнатига юксак баҳо берилган. Буни қалбдан ҳис этган механизаторларимиз ана шу муносиб баҳога яраша ишлашмоқда. Район партия комитети, совет ва касаба союз ташкилотлари механизаторлар сафини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётирлар. Райондаги 112-ҳунар-техника билим юрти, шунингдек, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг Челонғу ва Тешку филиалларида ташкил этилган махсус курсларда 700 нафар механизатор кадрлар ўқитилиб, тегишли хўжаликларга юборилади.

Бу йил қишнинг қаттиқ келганига қарамай, ирригация-мелиорация тадбирлари кўнгилдагидек амалга оширилаётир. Шу кунга қадар 126 километр узунликдаги бетон каналлар тозалаб бўлинди, қарийб 30 километрли лоток ариқлар капитал ремонтдан чиқарилди. 22 километр келадиган ариқлар бетон қилинияпти. Бу ишга 2 миллион 500 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Бунинг устига, Ҳазорбоғ ва Урганччўл массивларидан 184 гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шундан 100 гектарига кузги дон экилди, қолганига эса маккажўхори ва беда экилади. Янги ўзлаштирилган ва ўзлаштирилаётган массивлар томон «Ҳазорбоғ» ва «Зандани» каналларини узайтирдик. Ҳозир бу каналларни бетонлаштирмоқдамиз. Шу йўл билан сувнинг парланиб ва ерга шимилиб ортиқча исроф бўлишига чек қўйилади.

Пахтачиликни тўла механизациялаштириш ва ҳосилдорликни оширишнинг яна бир резерви экин майдонларини текислаш ва яхлитлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳозиргача 644 гектар ер яхшилаб текисланди, яна 350 гектар майдонда капитал планировка ўтказилади.

Тагин бир муҳим резерв бор. У ҳам бўлса, юқори ҳосилли бригадалар сонини муттасил ошириб бориш, қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтаришдир. Районимизда 303 та пахтачилик бригадаси мавжуд Бу йил 46 та бригадада ҳосилдорлик гектар бошига 50-60 центнерга, 150 бригадада 40-45 центнерга, қолган барча бригадаларда ҳосилдорлик 32-40 центнерга етказилади.

Деҳқончилик ишлари билан бир қаторда чорвачиликда ҳам механизациялаштиришнинг кенг тадбирлари амалга оширилади. Бу йил районимиздаги Ибн Сино номли, «Москва» колхозларида сут-товар фермалари тўла механизациялаштирилади. Бу вазифани «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг Чорбакрдаги кўчма механизациялашган колоннаси ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаси қурувчилари ҳамда мутахассислари амалга оширишади.

Шуниси диққатга сазоворки, ремонтдан чиқарилган ҳар бир трактор ва бошқа асбоб-ускуналарнинг хизмат муддатини анча узайтиришга эришамиз. Бунинг учун ҳайдов ва чопиқ тракторлари, пахта териш агрегатлари, комбайнлар, экиш агрегатлари механизаторларга биркитилиб, уларга махсус мандат берилади. Ҳар бир тракторчининг сменадоши бўлиб, кўкламги экиш даврида, ёзги ишлар палласида механизаторларга ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида диспетчерлик хизмати жорий этилади. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ва унинг бўлимлари томонидан инженерлик хизмати кўрсатиш мақсадида кўчма устаноналар ташкил этилади. Буларнинг ҳаммаси муваффақиятларга элтувчи муҳим омиллардир, албатта.

Районимиз азамат меҳнаткашлари 1977 йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этадилар ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар.

Яхши НАВРЎЗОВ,

Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари.



Сирдарё ГРЭСи бунёдкорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар йил охиригача мўлжалдаги бир эмас, иккита энергетика блокини фойдаланишга топшириш, пландан ташқари 450 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган. Аҳдига вафодор қурувчилар шу кун ўрда 6-блок қозонхонасидаги монтажлаш ишларини муддатидан ярим йил олдин бошлаб юборишдилар. Йирик блокларни монтаж қилиш ҳисобига агрегатларни ишга тушириш муддати анча қисқаради. Суратда: Сирдарё ГРЭСининг умумий кўриниши.

Н. Ключнев фотоси.

Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь Революцияси орденлари кавалери Икром Қорабоев номини Бухоро область Конимех районидагилар ҳурмат билан тилга оладилар. Бу донгдор бош чўпон ўз отаридаги 550 бош қўй-қўзини қишловдан бечиқим олиб чиқиш учун ғайратига-ғайрат қўшиб ишлаяпти. У ҳар юз бош совлиқдан 190 тадан қўзи олиб, шундан соғлом қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга қолдиришга аҳд қилган. Суратда: Икром Қорабоев.

В. Полетаев фотоси.

ЖАНГОВАР КУРАШЧИЛАР

Партия ҳаётининг ленинча нормалари ва партиявий раҳбарлик принципларига қаттиқ риоя қилиш асосида партия сафларининг сифат составини мунтазам яхшилаб бориш КПСС XXV съезди томонидан партия ташкилотлари олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан биридир. Ленинобод район партия комитети партия сафига янги аъзолар қабул қилиш ва коммунистлар билан ишлашда XXV съезд қарорларига изчил амал қилмоқда. Партия сафларининг сифат составини мунтазам яхшилаб бориш, ҳар жиҳатдан муносиб кишиларни партия сафига қабул қилиш, ёш коммунистлар билан ишлаш ва уларни ишлаб чиқаришда мунтазам авангардлик қилиш, активлик кўрсатиш, ишда ҳам, жамоат ўртасида ҳам намуна бўлиш руҳида тарбиялаш райкомнинг иш фаолиятидан мунтазам ўрин олган. Яқинда райком бюросида кенжа хўжаликлардан бири — «Советская Каракалпакия» совхози бошланғич партия ташкилотининг коммунистлар билан ишлаш ҳақидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Совхоз бир неча йил аввал қўриқ ерда ташкил топган. Партия ташкилоти ҳали ёш бўлгани сабабли амалий ёрдамга бошқа партия ташкилотларига қараганда кўпроқ муҳтож эди. Райком бюроси партбюро ҳисоботини муҳокама қилар экан, масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашиб, бошланғич ташкилот фаолиятини яхшилашга, унинг жанговарлигини, коммунистларнинг активлиги ва интизомлилигини оширишга эътиборни кучайтирди. Хўжаликдаги етмиш коммунистдан йигирма нафари КПСС сафига сўнгги икки йил давомида қабул қилинган:

Коммунистлар билан, айниқса ёш коммунистлар билан ишлаш усул ва услублари хилма-хилдир. Аммо, энг муҳими улар ҳақида, уларнинг келажаги учун доим ғамхўрлик айниқса муҳимдир. Шуни асло унутмаслик керакки, у ёки бу коммунистга нисбатан эътибор сусайтирилса, унинг характери, иродаси ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу айниқса ўз сафига беш мингдан ортиқ ёш коммунистни бирлаштирган Автоном республика партия ташкилоти учун таллуқлидир.

Шу кунларда КПСС аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистларнинг катта кўпчилик қисми моддий ишлаб чиқаришда меҳнат қилмоқда. Улардан 600 дан ортиқ киши коммунистик меҳнат зарбдорларидир. 400 га яқин ёш коммунист Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача икки-уч йиллик топшириқни бажариш юзасидан шахсий мажбурият олиб ишламоқдалар.

Коммунистларни тарбиялашда ёш коммунистлар мактаби айниқса муҳим роль ўйнаяпти. Нукус шаҳрида бундай мактаблар 1967 йилдан бери иш олиб бормоқда. Шаҳар партия комитети бюроси аъзолари ва бўлим мудирлари, энг тажрибали партия ташкилотларининг секретарлари ёш коммунистлар мактабларида КПСС Программаси ва Устави, партия ички демократияси ва партиявий интизом ҳақида суҳбатлар ўтказадилар. Ҳар бир суҳбат ва лекция у ёки бу корхона олдида турган асосий вазифалар билан боғлаб олиб борилаётир. Бундай суҳбатларга тажрибали коммунистлар ҳам кенг жалб этилмоқда. Шаҳар саноат корхоналари бошқармасидан С. Лилиенталь, Тошкент устки трикотаж фабрикасининг Нукусдаги филиали тикувчиси Г. Холмурадова, саноат корхоналари бошқармасининг механика йиғув цехи мастери М. Маханбетовларнинг ёш коммунистлар мактабларида ўтказган суҳбатлари айниқса қизиқарли ва таъсирчан бўлди. Улар ўзларининг ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида тўплаган бой тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Қорақалпоғистон область партия ташкилотлари сафида 37 миллат аъзолари бор. Бундай интернационаллик партия сафига қабул қилинаётган янги аъзоларга ҳам ҳосдир. Биз ана шуни эътиборга олиб, коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ўртасида интернационал тарбияни мунтазам кучайтиришга алоҳида эътибор берямиз. Бу айниқса Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига муносиб тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги, коммунистларнинг активлиги ва авангардлик роли ошиб бораётгани эришилаётган кундалик муваффақиятларимизда ўзининг ёрқин аксини топмоқда. Ўтган йили 372 минг тонна «оқ олтин» топширган Ватанпарвар республика меҳнаткашлари бу йил ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилни янада ошириш учун курашмоқдалар. Пахтачилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаш, кам чиқим қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини 3,5-4 йилда бажариш юзасидан бошланган ташаббусларнинг кўпи ёш коммунистларнинг ижодий меҳнати билан боғлиқдир. Биз КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, ҳар бир коммунист партиянинг актив жангчиси бўлиши, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида боришига алоҳида эътиборни қаратамиз.

А. ТОЖИБОЕВ,

Қорақалпоғистон область партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари.

НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

СУРЪАТ БЎШАШТИРИЛМАЁТИР

«Узновгород водстрой» трести «Тошкент-1» ихтисослаштирилган механизациялаштирилган кўчма колоннасининг коллективи дала мавсумини бошлади. Бу колонна заҳкаш ерларнинг заҳини қочиришда ноқоратупроқ ўлка мелиораторларига ёрдам бериш учун Ўзбекистондан Новгород областига келганига икки йил тўлди.

Сергей Назаров билан Турсун Расуловнинг зовур қазиш бригадалари Шимск районидаги «Волна революции» совхози далаларига биринчи бўлиб кўп чўмичли экскаваторларни олиб чиқишди. Гарчи бу ерлар қумлоқ бўлиб, далаларни ўрмон шамолдан сақлаб турган бўлса-да, совуқ совуқлигини қилган эди. Шу сабабли кўп чўмичли экскаваторнинг бир ўзи билан траншея кавлаб бўлмас эди. Шу сабабли ер юмшатгич машинасини ишга туширишга тўғри келди, бу машина 40 сантиметргача ва ундан ҳам чуқурликда музлаб ётган ерни юмшатиб бермоқда. Иш шароитлари енгил эмас, аммо механизаторлар айрим кунларда нормадаги уч юз метр ўрнига етти юз метргача зовурга қувур ётқизишга улгурмоқдалар.

Назаров билан Расулов кетидан Николай Лобач, Николай Талдонов ва бошқаларнинг зовурчилар бригадалари ишга киришдилар. Бошқа коллективлар ҳам техникани шайлаш ишларини тугалламоқдалар.

Ремонт ишларига алоқадор бўлмаган кишилар ҳам бирон кун даладан чиқиб кетаётганлари йўқ. Улар далаларни майда-чуйда дарахтлардан тозаламоқдалар, тўнкаларни ковлаб олиб ташламоқдалар, тепаликларни текисламоқдалар. Тракторчилар, бульдозерчилар, экскаваторчилар, зовур қуриш бригадаларининг ишчилари серунум меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Кўриқ ерларга ҳужум давом этмоқда.

В. ЧЕРНЯЕВ,

ТАСС мухбири.

ШИМСК,

Новгород области.

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАМИЗ

Ўнинчи беш йилликнинг ўзига хос хусусияти нимада! Унда қўйилган вазифалар аввалги беш йилликларда амалга оширилган вазифалардан нимаси билан фарқ қилади! Съезд кунлари мен ана шуларни ўйладим. Бу саволларга партия Марказий Комитетининг Ҳисобот докладидан аниқ-равшан жавоблар топдим. Дарҳақиқат, ўнинчи беш йиллик экономикамиз тарихига сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўлиб кирмоқда. Қайси вазифаларни олмайлик, муваффақиятни оқибат натижада ана шулар белгилаши бугун ҳаммага аён.

Съезд арафасида шаҳримизда аммофос комплексининг биринчи навбати ишга туширилган эди. Биз қурилишни жадал давом эттириб, ўтган йили ўз кучимиз билан икки ярим миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишларини бажардик. Химия корхонасининг иккинчи навбат қурилиши жадал давом этмоқда. Табийики, унинг ҳар бир участкасида ўзига хос муаммолар бор. Баъзида лойиҳа камчиликлари туфайли ишлар тўхтаб қолади. Шунда рационализаторларнинг изланиши қўл келмоқда. Сўнгги бир йилда улар 108 минг сўм самара берган таклифлар киритишди. Бу йил иккинчи навбат қурилишини муваффақиятли тугатишда рационализаторларнинг ҳиссаси янада салмоқли бўлмоқда.

Шаҳар партия комитетининг пленумида менга сўз бериб қолишди. Шу юксак минбардан фойдаланиб, ҳамкасбларимни Улуғ Октябрнинг 60 йиллик шонли юбилейини уч йиллик қурилиш планини бажариш билан кутиб олишга даъват этдим. Аввало пленумда, сўнгра эса қурилиш участкаларида бўлиб ўтган йиғилишларда бинокорлар бу таклифни қизғин қувватлашди. Ҳамма қурилиш майдонларида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Айниқса аралаш касбларни эгаллаш, ўз касбининг устаси унвони учун мусобақа қизғин тус олди. Қурувчиларимиз ҳар бир иш кунида янада самаралироқ меҳнат қилиш иштиёқи билан яшамоқдалар.

Б. ЖУМАҚУЛОВ,

Самарқанд «Химстрой» трести дурадгорлар звеноси бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати.

В. И. Ленин уқтирганидек, кишиларнинг тарихий ижодиёти кенгайган сари онгли, бунёдкорлик фаолияти билан банд бўлган омма ҳам шунчалик кўпайиб боради. Бу ленинча принципиал хулоса социалистик жамиятимизнинг қарийб 60 йил мобайнида эришган барча муваффақиятларига тўла таллуқлидир. Шу тарихий тараққиётимиз мобайнида ўз тақдирининг чинакам хўжайини, чинакам ижодкор ва бунёдкор, оташин ватанпарвар, изчил интернационалист бўлган янги киши камол топди.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини ва умуман беш йиллик топшириқларни муваффақиятли бажариш учун меҳнат ғайрати тобора авж олмоқда. «Ички резервлар— муқобил планларга!», «Бир беш йиллика икки беш йилликни бажарамиз!» «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!», «Ҳар бир буюмга — ишчи кафолати!», «Янада яхшироқ ишлаймиз, самарадорлик ва сифатни оширамиз!» — бу шиорлар ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир ишчи, колхозчи, совхоз ишчиси ва барча меҳнаткашларнинг шиори бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 1,5 миллион киши меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида қатнашмоқда. Шулардан 528 мингтаси коммунистик меҳнат зарбдори унвонини олишга сазовор бўлди. 276 корхона ва ташкилот, 529 цех, участка ва бўлим, 37 минг бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олган. Республикамиз пойтахтида 240 минг ишчи ўнинчи беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажаришга қаратилган ташаббусларнинг издошларидир. 4570 новатор ва ишлаб чиқариш илғори эса 1976 йилда икки йиллик планни бажарди, 1250 та бригада «Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз» шиори остида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Оммани актив бошқарув фаолиятига жалб қилишда давлат ҳокимияти органлари бўлган ҳамда оммавий ташкилот бўлиб иш кўрадиган Советлар катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ташаббуси билан кўпгина муҳим масалалар ҳал қилинмоқда. Депутатларнинг сайловчилар наказлари асосида киритаётган таклифлари халқимизнинг, умуман бутун ҳаётимизнинг талаб ва эҳтиёжларини акс эттирмоқда.

Социалистик жамиятни бошқарув механизмида меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлган касаба союзлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда касаба союзлари 107 миллион ишчи ва хизматчини бирлаштирган бўлиб, ишлаб чиқариш ва бошқа ҳаётий масалаларни ҳал қилишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий қурилиш планларини тузишда, социалистик мусобақани ташкил этишда, фан-техника тараққиёти учун курашда, ишчи ва хизматчиларнинг коммунизм мактабини ўташларида актив қатнашмоқдалар.

Жамият ишларини бошқаришда касаба союзлари билан бир қаторда, ўз сафларида 35 миллион йигит ва қизни бирлаштирган комсомолнинг кооператив, илмий, маданий, техника ташкилотларининг ҳам хизмати салмоқлидир.

Меҳнаткашларни актив бошқарув фаолиятига жалб қилишда меҳнат коллективларни муҳим роль ўйнайди. Меҳнат коллективларининг асосий тури ишлаб чиқариш коллективларидир. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси ишлаб чиқариш ва маданий-маиший масалаларни ҳал қилишда меҳнат коллективлари аъзоларининг янада фаол қатнашмоқлари учун қулай ташкилий ва маънавий-психологик шарт-шароит яратиб бермоқда. Шуни айтиш керакки, меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ва маданий-маиший масалаларни ҳал қилишда актив қатнашувининг турли хил формалари бор. Улар маъмурият билан биргаликда ишлаб чиқариш масалалари ҳал қилинадиган мажлисларда, ижодий жамоат ташкилотларида (жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик бюроларида) қатнашиб, энг етилган масалаларни амалий ҳал қилишга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 160 мингдан зиёд доимий ишлаб чиқариш кенгаши мавжуд бўлиб, кенгаш аъзоларининг 65 процентини ишчилар ташкил этади.

Ишчилар йиғилишлари меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашувининг энг оммавий ва таъсирчан формасидир. Коллектив ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳал қилинадиган бу йиғилишларда ишчилар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида, жамоатчилик фаолиятлари ҳақида ҳисобот бермоқдалар ҳамда социалистик мусобақада янги марраларни белгиламоқдалар.

Турли органлар томонидан бошқарув фаолиятини амалга ошириш устидан меҳнаткашлар оммасининг назорати социалистик жамиятни бошқарув бутун жараёнининг таркибий қисмидир. Чунончи, ҳар бир меҳнат коллективида мавжуд бўлган халқ контроли группалари ва постларининг кучғайрати билан моддий ва пул маблағларини тўғри ва мақсадга мувофиқ сарфлаш қаттиқ текшириб борилмоқда, меҳнат интизомига риоя қилинишга назорат қилинмоқда, бюрократизм, сансоларлик кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда.

* * *

Шундай қилиб, Коммунистик партия иқтисодий, социал-сиёсий соҳаларни бошқаришда социалистик тузумдаги ҳамма улкан кучларни ҳаракатга келтиришни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Социализм илмий асосда бошқарилаётган жамиятдир. Илмий бошқариш объекти жамиятнинг бутун сиёсий ташкилоти бўлиб, Коммунистик партия раҳбарлигидаги давлат органлари ва жамоат ташкилотларини ўз ичига олади. Жамият ҳаётининг барча томонларини сиёсий жиҳатдан бошқаришда партия бош ролни ўйнайди. Шунинг учун ҳам партия бутун бошқарув фаолиятининг илмий жиҳатдан пухта асосланиб, юксак самара беришни таъминлайди. КПСС ижтимоий тараққиёт қонунларини пухта эгаллаганлиги ва уни қадамма-қадам бойитиб бораётганлиги туфайли совет кишиларини актив бошқарув фаолиятига кенг жалб қилмоқда. Унинг сиёсий раҳбарлиги социалистик жамиятни бошқарув фаолиятининг ҳал қилувчи кучидир.

Коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш бугунги кунда бошқарувнинг илмий асосланган бўлишига, бошқарув маданияти ва самарасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биз Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки кунлардаёқ Владимир Ильич Ленин айтган қуйидаги сўзларни доимо эсда тутмоғимиз лозим: **«Бошқариш учун омилкор бўлиш керак, ишлаб чиқаришнинг барча шарт-шароитларини тўлатўкис ва ғоят аниқ билиш керак, шу ишлаб чиқариш техникасини унинг ҳозирги замон даражасида билиш керак, муайян илмий маълумотга эга бўлиш керак».**

Партиямиз фаолиятининг, КПСС XXV съездининг мамлакат экономикасини бошқариш ҳақидаги кўрсатмаларининг бутун моҳияти, руҳи ана шундай.

А. МАМЕДОВ,

иқтисод фанлари доктори, профессор.

САЛОМ, ЕР ПЛАНЕТАСИ

«Салют-5» станциясининг экипажи билан якшанба кунги алоқа сеанси чоғида эрталабки саломлашувдан сўнг Виктор Горбатко ерда янги кун қандай пайдо бўлиши тўғрисидаги таассуротларини айтиб берди:

— Шу дақиқаларда соя чегараси Крим бўйлаб ҳаракат қилаётганлигини кўриб турибмиз, офтобнинг илк нурини мана ҳозир кўрасиз. Шундай дақиқаларда югураётган соя ортидан шаҳар ва қишлоклар уйғониб бораётганлигини кузатаётиб, планетанинг ҳамма кишиларига беташвиш ва беҳасрат яхши кун тилагингиз келади...

Кўпгина Совет ва Америка космонавтлари орбитадан қарагандаги энг гўзал таассуротларини эслаб ўз йўлларига, планетага, кишиларга меҳр-муҳаббатлари ошиб-тошганлигини айтадилар. Алексей Леонов шу ҳис-туйғуларни қисқача қилиб: «Космосда инженер шоирга, шоир эса коинот гражданига айланади», — деган эди.

Бугунги репортаж шу «коинот гражданлари» яшаб ишлаётган уй тўғрисида, К. Э. Циолковскийнинг сўзлари билан айтганда, инсонга янги билим чўққиларини очишдан ташқари, порлоқ инсонпарварлик мақсадлари йўлида дунё халқларини бирлаштирадиган уй тўғрисида бўлади. Бу сафар станцияда яшаш шароитларини таъминлаш системаси билан шуғулланувчи мутахассислар матбуот клубимизнинг меҳмонларидир. Улар космосда одамнинг узоқ муддат ишлаши учун мослаштирилган ер оролини вужудга келтирганлар.

Доразасининг нариёғида дам 130 градусгача иссик, дам минус 150 градусгача қаттик совуқ бўладиган шароитлардаги квартирани тасаввур этиб кўринг. Шундай ҳолда оддий уйда батареялар ва совутиш установкаларини ўрнатгани жой етишмасди. Ер атрофи орбитасидаги станция айни шундай температура шароитларида айланади. Аммо «Салют-5»нинг бортидаги иситадиган ва совитадиган қурилмалар кўзга кўринмайди — улар панеллар панасида туриб ҳақиқатда улкан ишларини шовқинсиз бажараверадилар. Автомат системалар ҳароратни 1-2 градусгача аниқликда қатъий кузатиб туради. Чунончи космик уйда 23-25 градус температура нормал ҳисобланади.

Станциядаги ҳаво ердагига ўхшайди. Лекин бу жойдаги кислороднинг миқдори процента ер юзидагидан бир оз юқорирок. Махсус приборлар станция ичидаги газ таркибига қатъий риоя этилишини кузатиб боради. Яшаш шароитини таъминлаш системасига кирувчи химик «кислород фабрикалари» атмосфера состави нормал бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари ҳар суткада станция ичидаги бутун ҳаво аралашмалардан тозаловчи фильтрлардан ўтказиб туради.

«Салют»нинг бортидаги сув ердаги натурал сув. У айнаб қолмаслиги учун «консерваланади», кумуш ионлари бериб, яп-янги қилиб турилади.

Келгусидаги узоқ муддатли учишларни назарда тутиб ҳамда кема ва станциялараро старт берилаётгандаги вазнини камайтириш мақсадларида инженерлар ва космонавтлар ҳозир «Салют-5»нинг бортида «Прибой» системасини такрор-такрор синаб кўрмоқдалар. Бу система станция ичидаги бўғланишни йиғиб ундан ичимлик суви ҳосил қилиб туради.

Учинчи стихия — Қуёш стихиясига келганимизда у — космик уй негизининг негизидир. (Ердаги ҳаёт ҳам Қуёшсиз тўхтайди). Электр энергиясининг химиявий аккумуляторлари Қуёш батареяларидан доимо ток олиб турмаса, сўниб қолур эди. Қуёш батареяларининг панеллари учаётганда кунгай ҳолатда туради. Иситадиган ва совутадиган қурилмаларнинг неча ўнлаб электр моторлари, ҳисоб машиналари электрон блокларининг вентиляторлари кўп энергия истеъмол қилади ва шу энергия бетўхтов тўлдириб борилади. Энергия сарфини автоматлар кузатиб туради. Станция учаётганида орбитанинг кунгай томонида ичкари шу қадар ёруғ бўлиб кетадики, космонавтлар ҳар сафар Ер соясидан чиқаётиб иллюминаторларнинг пардасини тушириб қўядилар. Кечқурун станциянинг иш бўлмалари Москва кўчаларинiки сингари фото элементларининг сигнали бўйича автомат тарзда ёритилади.

Космонавтлар илмий ва инженерлик буюртмалари катта программаси билан навбатдаги космик рейсга жўнаб кетаётиб халқ хўжалигининг турли соҳалари манфаатлари йўлида космик тадқиқотлар самарадорлигини оширишга интилиб, космик аппарат яратувчилар билан бирга ҳар сафар самодаги уй шароитларини, космосда одам иш ўрнини такомиллаштириб бормоқдалар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Учишни бошқариш маркази.

ШАХМАТ

ҚЎШАЛОҚ АНЪАНАЛАР

Анъана тусини олган мусобақалар анчагина. Лекин улар орасида шундайлари ҳам борки, бир эмас, икки аср юзини кўрмоқда. Бу ўринда аввало, Гастингс шахмат фестивалларини алоҳида эътиборга лойиқдир. 1895 йили жаҳоннинг барча кучли шахматчилари Англиянинг шу Гастингс шаҳрига тўпланиб ўзаро баҳсга киришганлар. Ҳозир ғайри-табиий бўлиб кўринувчи усулда ўтказилган XIX асрнинг бу энг йирик мусобақасида бош совриН америкалик ёш шахматчи Г. Пильсберига, иккинчи ўрин эса 45 ёшли Россия вакили М. Чигоринга насиб этган. Ўшанда Чигорин жаҳон чемпиони Э. Ласкердан ўзиб, турнир ғолибини эса шахсий учрашувда енгиб чиққан эди... Гастингс шахмат фестиваллари йигирманчи йиллардан бошлаб мунтазам ва эски йилнинг охирги-ю янги йилнинг бошларида ўтказиладиган бўлиб қолди.

Кейинги 30 йил мобайнида кўпгина совет шахматчилари Гастингс янги йил халқаро турнири ғолиби бўлдилар. Якинда ана шундай фестивалларнинг навбатдаги 52-си якунланди. Шахмат тахтаси узра жанг кетаётган пайтда муросасозлик нима эканини билмайдиган львовлик 25 ёшли талантли гроссмейстер Олег Романишин рақибларидан ўнтасини ютиб, учтаси билангина ноилож дуранг қилди ва биттасига бой берди, холос. Иккинчи ўринни эгаллаган шахматчи, ғолиб Романишиндан нақ 2 очко ортда қолди. Бу ғалаба львовлик ёш гроссмейстернинг жаҳон миқёсида орттирган обрў-эътиборини янада ошириб юборди.

Голландиянинг Беверийк шаҳрида дастлабки шахмат фестивали ўтказилганига ҳам 40 йилча бўлди. Чинакам анъанавий бўлиб қолган бу мусобақалар программасига кўра бир қанча турнирлар ўтказилади. Навбатдаги 39-фестивалнинг учта асосий мусобақаси ҳам совет вакиллари ютуғи билан якунланди. Гроссмейстерлар иштирокидаги турнирда Ефим Геллер (Москва), мастерлар мусобақасида Виктор Купрейчик (Минск), аёллар баҳсида эса жаҳон чемпионлигига талабгор Нана Александрия (Тбилиси) ғалаба қозондилар. Совет шахматчиларининг ғолибона анъанаси бу сафар ҳам муваффақиятли давом эттирилди.

НИШОН — АНАТОЛИЙ КАРПОВ

Шахмат тожи учун саралаш мусобақаларида қатнашувчи ҳар бир гроссмейстер кўнглида ягона нишонни мўлжалга олади. Бу айни пайтда тождор Анатолий Карповдир. Бунга эришиш учун яна учта тўсиқни енгиб ўтиш керак. Шу ойнинг охирларида ўшаларнинг биринчиси — чорак финал баҳслари бошланади. Халқаро шахмат федерациясининг тақсимотига кўра москвалик Лев Полугаевский билан бразилиялик Энрике Мекинг Швейцарияда, вақтида розилик бермаган америкалик Р. Фишер ўрнига қўйилган москвалик жаҳон экс-чемпиони Борис Спасский билан чехословакиялик Властимил Горт Исландияда, Тигран Петросян билан Виктор Корчной Италияда ва даниялик Бент Ларсен билан венгриялик Лайош Портиш Голландияда ўзаро куч синашадиган бўлдилар.

Мухлисларга маълумки, биргина В. Гортдан ташқари буларнинг ҳаммаси бундай мусобақаларда бир неча марта қатнашган, ҳатто шахмат олимпига ҳам кўтарилган гроссмейстерлардир. Буларнинг ҳар бири аввал чорак финалда ғалаба қилиш йўллари ҳақида қайғураётгани аниқ бўлса-да, асосий нишонни мўлжалга олаётгани ҳам сир эмас. Айниқса, бразилиялик 25 ёшли Энрике Мекинг бу гал ортиқча дамини чиқармай ҳозирлик кўрмоқда. Илгарилари ғўрлик билан айиҳаннос солганига пушаймон бўлса, ажаб эмас. Унинг ажойиб талантини мутахассислар, жумладан жаҳон чемпиони ҳам юксак баҳоламоқдалар.

Шахматчи 30-40 ёшларида энг юксак кўрсаткичларга эга бўлади. Қийин баҳслар учун зарур бўлган омил, яъни курашга шайланишда у ана шу қирчиллама ёшининг афзалликларидан бахраманд бўлади, деган эди ўн йилча муқаддам М. Ботвинник. Лекин, Ласкер 26 ёшда, Таль билан Карпов эса 24 ёшда, жаҳон чемпионлигига кўтарилганлар-ку! Камдан-кам учрайдиган бу ҳол эндиликда айрим бошқа ёш шахматчиларда ҳам намоён бўлаяпти. Бинобарин, ҳозирги чемпионга қийин бўларканда...

БЕЛЛАШИШ ОСОН КЎЧМАЙДИ

Карповга қийинроқ бўлиши турган гап. Аммо унинг бошқа чемпионлардан афзалликлари ҳам борда. Биринчидан, у Ботвинник айтган камолот ёшига етгунча янада пишийди, ҳар томонлама тажриба орттиради. Аввал Б. Спасский, кейин Р. Фишер рамзий тахтга кўтарилгунга қадар зўр фаоллик кўрсатдилар, назарий тайёргарлик амалий кураш ўрнини боса олмаслигини кўп марта таъкидладилар. Лекин чемпион бўлиб олганлариДан кейин, айтганларига ўзлари амал қилмай қўйдилар. Оқибати ноҳуш бўлиб чиқди.

Карпов тамоман бошқача йўл тутаётганлиги билан жаҳон шахмат аҳлининг чинакам фахри бўлиб қолмоқда. Тождор бўлганидан бери ўтган атиги бир ярим йил мобайнида ўнта йирик мусобақада қатнашиб, тўққизтасида ғолиб чиқди. Охиргисида СССР чемпиони ҳам бўлиб олди. Буниси жуда шарафли. Маълумки, СССР чемпионлари, айниқса охиргиси, ҳар қандай халқаро турнирлардан юқорирок саналади, ҳамма чемпион билан яхшироқ ўйнагиси келади, бу тождорга кўшимча юк ортиши турган гап. Анатолий Карпов аввал пешкадамларга етиб олиш, кейинчалик улардан ўзиб кетишни ҳам уддалади. Сабр-тоқат, маҳорат, қоларерса ҳар бир рақибининг режаларини кескин қарши олиш, - унинг ижодий йўлига хосдир. Ана шу муваффақиятлари тарози палласига қўйилгач, бошқаларникини босиб тушди. Карпов тўртинчи марта «Оскар» мукофотига лойиқ топилди.

Бу қанақа мукофот ўзи? Спортнинг кўпгина турлари бўйича йилнинг энг яхши спортчиларини аниқлаш аллақачонлар анъанага айланиб қолганлигини ҳамма билади. Шу боисдан бўлса керак, 1967 йили Испанияга қарашли Мальорка оролида улкан шахмат турнири давом этаётган вақтда мутахассислардан бири шахмат мавзуида ёзадиган журналистлар орасида овоз бериш йўли билан йилнинг энг яхши шахматчисини аниқлаш фикрини ўртага ташлади. Журналистларнинг аксарияти жаҳон чемпиони бир ёқда қолиб, Бент Ларсенни 1967 йилнинг энг яхши шахматчиси деб овоз берди. Бунда унинг сермаҳсуллиги назарда тутилган эди.

Шу принципга кўра, Борис Спасский, кейин у чемпионлигида Роберт Фишер «Оскар»га сазовор бўлди. Мана тўртинчи йилдирки, бу совриН Анатолий Карповга берилмоқда. Чемпион бўлмасдан олдин ҳам, чемпион бўлгандан кейин ҳам у жаҳоннинг энг сермаҳсул гроссмейстери эканини тарк этмаяпти. Чемпион энг яхши шахматчи бўлиши кераклиги Карпов тимсолида чинакам тасдиқдан ўтмоқда. Саккиз тож талабгоридан охири қайси бири ғолиб чиқмасин, Карпов билан беллашиш осон кўчмайди унга.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЛУАНДА:

Ишончли йўлдан

Ангола Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Паулу Жоржи «Журнал ди Ангола» газетасининг мухбири билан суҳбатда Ангола халқи социалистик ҳамдўстлик давлатларининг кенг кўламдаги ёрдами ва мадади туфайли озодлик ва мустақилликка эришди, деб айтди.

Халқ Анголаси, деди у, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олди ва шунинг учун ҳам биз табиий иттифоқчиларимиз бўлган социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама муносабатларни бундан буён ҳам тобора ривожлантирамиз ва мустаҳкамлаймиз.

Етакчи капиталистик мамлакатлар социалистик давлатлардан фарқли равишда ҳамиша Анголанинг ва унинг халқининг душманлари томонида турдилар, деб таъкидлади П. Жоржи. АҚШ, ГФР, Франция каби давлатлар халқимизнинг озод бўлишига йўл қўймасликка уриндилар, эндиликда эса уни ҳар хил йўллар билан асоратга солмоқчи бўладилар.

Анголанинг АҚШ ва Ғарбдаги бошқа давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги масала, деди АХР ташқи ишлар министри, уларнинг миллий озодлик ҳаракатларига муносабатларига, бизга дўст мамлакатларга ва бизга нисбатан муносабатларига қараб ҳал қилинади.

(ТАСС).

ИТАЛИЯ. Монополистик доиралар ҳозир мамлакатда кенг тус олган иқтисодий кризис қийинчиликларини меҳнаткашлар гарданига юклашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар аввало ўз фойдаларини кўзлаб ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш йўлига кирмоқдалар. Бу эса мамлакатда ишсизлар армиясининг кўпайишига, ишчилар синфи турмуш даражасининг янада пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Суратда: Милан шаҳрида хўжайинлар томонидан ёпиб қўйилган корхоналарнинг ишчиларидан бир қисми тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.

УЛУҒ ОКТЯБРГА БАҒИШЛАНАДИ

Жаҳоннинг турли мамлакатларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнаткашларнинг интернационал ҳаракати кенгайиб бормоқда.

● **БЕРЛИН**

Росток кемасозлари ГДР меҳнаткашларининг юбилей олди социалистик мусобақасига биринчилар қатори қўшилдилар. Улар «Варнов-верфт» кемасозлик корхонасида қурилаётган ва узунлиги 160 метр келадиган руда ташийдиган улкан кемани 7 ноябргача қуриб битказиб, Совет Иттифоқига топшириш мажбуриятини олдилар.

● **СОФИЯ**

Болгария металлургиясининг байроқдори бўлган Кремиков металлургия комбинатининг кўп минг кишилик коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият олди. «250» станининг прокатчилари корхонада ишлаётган совет мутахассислари билан биргаликда шу беш йилликнинг икки йиллик планини Октябрь юбилейи кунигача бажариш, пландан ташқари 10 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мажбуриятини олдилар.

● **ПРАГА**

Чехословакиядаги саноат корхоналари, қурилишлар ва муассасаларнинг коллективлари Октябрь революциясининг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турмоқдалар. Млада-Болеслав шаҳридаги автомобиль заводининг ходимлари олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, Октябрь байрамигача пландан ташқари қариб 1.300 та енгил автомобиль ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Ўрта Чехиянинг Поважска-Бистрица шаҳридаги Поважска машинасозлик заводи коллективи СССРга маҳсулот етказиб бериш муддатларини анча қисқартиришга қарор қилди. «Элитекс» ишлаб чиқариш бирлашмаси составига кирувчи заводлар СССР учун тўқимачилик станокларини жўнатишни шу йил ноябрь ойида тугаллашни режалаштирмоқдалар.

● **ГАВАНА**

Куба меҳнаткашларининг касаба союз марказида совет кемалари экипажлари билан Куба портчилари ўртасида 1977 йил учун социалистик мусобақа тўғрисидаги янги шартнома тантанали суратда имзоланди.

Октябрь революциясининг 60 йиллигига бағишланган Куба — Совет комплекс мусобақаси ғоят муҳим халқ хўжалик вазифасини бажаришга — Совет Иттифоқи билан Кубага ҳар хил юкларни ташиётган кемаларнинг республика портларида туриб қолишини қисқартиришга, юк ортиш ва бўшатиш ишларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

● **ЛИССАБОН**

Португалиянинг демократик жамоатчилиги, совет халқининг шу мамлакатдаги дўстлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини кенг нишонлашга тайёрланмоқдалар.

Бутун дунё меҳнаткашларининг ана шу байрамига бағишланган тадбирларни амалга оширишга киришилди. Бу ишларда «Португалия — СССР» дўстлик жамияти фаол қатнашмоқда. Мамлакатдаги демократик зиёлилар намояндаларининг куч-ғайрати билан Дўстлик жамияти Совет Иттифоқи тўғрисида туркум лекциялар уюштирди. Юбилейга бағишланган дастлабки лекцияларда жуда кўп киши қатнашди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул-тарихий аҳамияти мавзуидаги лекция зўр муваффақият билан ўтди. Лекцияни Португалиянинг машҳур публицисти Сезар ди Оливейра ўқиди.

Португалияда Совет Иттифоқининг ҳаётига қизиқиш тобора кучаймоқда. Бу ерда португал тилида нашр этилаётган совет китоблари тобора кўп тарқатилмоқда.

Телетайп лентасидан

▲ **ПРАГА.** Чехословакия пойтахтининг аҳолиси бу йил — беш йилликнинг иккинчи йилида тўққиз мингдан зиёд янги квартира олади. ПрагаНинг Жанубий ва Жануби-Ғарбий қисмида уй-жой қурилиши кенг авж олиб кетди. Бу ерда кўп қаватли уй-жой бинолари қурилади.

▲ **ХЕЛЬСИНКИ.** Финляндиянинг Тампере шаҳрида қисқа метражли фильмларнинг 7-халқаро фестивали ўтказилди. Фестивалда совет кино санъатининг икки асари муваффақият қозонди: «Хотира поезди» кино лентасига фестивалнинг катта мукофоти берилди, «Менинг онам ҳам кечиради» номли болалар мультипликация фильми биринчи мукофотни олди.

▲ **ХАНОЙ.** Вьетнам халқ армиясининг сапёр бўлинмалари кейинги ой ичида Хошимин шаҳри атрофида портламай қолган тўққиз мингга яқин бомба, снаряд ва миналарни зарар етказмайдиган ҳолга келтирди. Неча юз гектар маҳсулдор ерлар ана шундай бомба ва миналардан тозаланди. Миналардан тозаланган майдонларда Вьетнамнинг энг йирик шаҳрини сабзавот ва мева билан таъминлаш учун ихтисослаштирилган бешта хўжалик вужудга келтирилади.

▲ **ВАШИНГТОН. АҚШ** чет эллардаги энергетика манбаларига, биринчи навбатда нефтга тобора кўп қарам бўлиб қолмоқда. Америка нефть институтининг хабар беришича, ўтган йили мамлакатнинг нефть балансида чет эллардан келтирилган нефть 42 процентини ташкил этган. Бу йил АҚШда истеъмол қилинадиган нефтнинг ярмидан кўпи — 51 проценти импорт ҳиссасига тўғри келади. АҚШнинг ўзида қазиб чиқарилаётган нефть миқдори камайиб бормоқда.

▲ **ЛУСАКА.** Солсбери ирқчилар режими нғвогарлик мақсадида Ботсвана суверенитетига қарши яна қуролли ҳужум қилди. Ботсвана ҳукуматининг Баборон радиоси орқали эшиттирилган баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Родезиянинг «хавфсизлик кучлари» деб аталган қуролли гуруҳи чегарадан 13 километр берида жойлашган Ботсвана қишлоғига ҳужум қилди. Тревогага мувофиқ, воқеа содир бўлган ерга етиб келган полиция отряди босқинчиларни қочиб кетишга мажбур қилди. Икки ўртадаги отишма вақтида бандитлардан бир киши ўлди.

(ТАСС).

МУДҲИШ ҚУРОЛ

Супёнбек ШЕРИПОВ,
Чечен шоири.

Қуроллар бор — кўринар оддий
Лекин унда қанчалар қудрат.
Бир танишим бор эди— ҳарбий
Менга айтди шундай ҳикоят:
— Меҳмонларга меҳримиз осмон,
Баъзисин мен ҳайдашга тайёр.
...Ташриф этиб чет эллик «меҳмон»
Кезди она юртимни хумор.
Сездим, боқар у олазарак,
Узоқлардан кўз узмас асло.
Юрагида сирли ўй-истак...
Чоғлангандек парвозга ғўё,
Ракеталар турар эди шай.
«Меҳмон» ичга тушиб нафаси,
Аппаратин қўлидан қўймай
Суратга оларди, чамаси.
Ўзгалардан уялмас, рости,
Шундай, беэбет бўлади рақиб.
Шофёр қулиб қўярди аста
Ёнидаги «меҳмон»га боқиб.
...Ўша қонли уруш йилларда
Не-не шаҳар ҳаёти тинди.
Одам гавжум майдон, йўлларда
Ёдгорликлар турибди энди.
Ёдимизда улар доимо
Халқ унутмас қаҳрамонини.
Улар ўт, сув кечиб жанг аро
Ватан учун тикди жонини.
Уққа айлаб кўксини қалқон
Сақлаб қолмиш она тупроқни.
Бир зумгина чет эллик «меҳмон».
Эслаб қолди балки у чоқни.
Қаҳрамонлар шарафи учун
Тош салютлар бераркан садо,
Хўш, «меҳмон»им чўчимас нечун,
Бу гумбирлаш даҳшатмасми ё?
Турар жирканч фикрли «жаноб»
Васвасадан тополмай сўзни.
Хотиралар — армонли хитоб
Ҳушёрликка ундайди бизни.
Ўтганларни унутиб бир он,
Одимлаймиз дўстлар илгари.
Юртим дарди дилида пинҳон,
Бизни йўллар манзиллар сари.
Қаҳрамонлар мангу барҳаёт,
Ҳар бирига олқиш, шараф-шон.
Улар иши бизларга ибрат,
Улар — қуёш, яшар ҳар қачон!
Беқиёсдир бизнинг қуч-қудрат,
Кимлар уруш истар беҳуда.
Ракеталар тиклаб турар қад
Мангуликка бўлиб обида!

Рауф ТОЛИПОВ
таржимаси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **Келиннлар кўзголони** (билетлар сотилган), 25/II да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/II да **Олифта**, 25/II да **Ўжарлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **Ишқ қурбонлари** (16.00), 25/II да **Фақат аҳл сотилмайди** (17.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ (катта зал) — **Ҳимоя учун сўз** (қундуз ва кечқурун). **Рампа чироқлари** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Ҳимоя учун сўз — «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20, 21.30), «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00). «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Кексалар учун эрмак — «ЯНГИОБОД» (11, 13, 15, 17, 19.00).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

26 ФЕВРАЛЬ СОАТ 15.30 ДА

ФУТБОЛ БУЙИЧА VII ХАЛҚАРО ТУРНИРНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

ПОЛЬША — ЎЗБЕКИСТОН

КОМАНДАЛАРИ УЧРАШАДИЛАР

5 март соат 15.00 да VII Халқаро турнирнинг ТАНТАНАЛИ ЕПИЛИШИ ва 1 ВА 2 ЎРИН УЧУН

ФИНАЛ УЧРАШУВИ

УЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ «УЗГРАДАСТРОЙ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ГУЛИСТОН УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ

Уйсозлик комбинати ишларида технолог, цех бошлиғи, бош корпус бошлиғи, комплектлаш бўлими бошлиғи, ишлаб чиқариш — техника бўлими инженерлари вазифасида иш тажрибаси бўлган инженерлар;

Қуйидаги касбдаги ишчилар: кассетали қурилмалар ва конвейерлар, контактли — пайвандлаш машиналари, цемент склади ва БСУ операторлари; сантехниклар, созловчилар, станончилар ва ремонтчилар; дурадгорлар, суворқчилар, бўёқчилар ва плитачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР, ОИЛАЛИКЛАРГА КВАРТИРА БЕРИЛАДИ.

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Мурожаат учун адрес: Ўзбекистон ССР, Гулистон шаҳри, 3-микрорайон, ДСК. Телефон: 2-04-66.

Республика радиоси коллективи қишлоқ хўжалик бош редакциясининг катта редактори З. Нажмиддинова онаси

Пошшахон **ДУСТҲОЖИЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекконцерт» ва Ўзбек давлат эстрадасининг бирлашган дирекцияси Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Зокиров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Зокирова ва солист Ф. Зокировга оталари

Карим **ЗОКИРОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг «Сельтрансспецстрой» трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 102-ихтисослаштирилган қўчма механизация колоннасининг бошлиғи Т. Б. Рўзиева отаси

Бозор **РУЗИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30— **«Белорусь вокзали»** (бадиий фильм). 12.05 — Бизнинг биография. 1932 йил. 16.00 — Илмий-оммабоп фильмлар. 16.30 — Рус тили. 17.15— Шахмат мактаби. 17.45 **Миллионлар ленинча университети.** 18.15 — «Орлёнок». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — **КПСС XXV съездининг йиллигига.** 20.15 — Концерт. 20.45 — **«Яна Гаранин»** (телеспектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.40 —**Чанги спорти бўйича халқаро мусобақалар.** 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — «Мувозанат» (телефильм). 12.30 — Жамиятшунослик 13.50 — «Светофор» (такрорий). 14.00 — **«Қизил майдон»** (бадиий фильм, 2-серия). 18.30 — Болалар учун телефильм. 18.55 — Партия планлари — халқ планлари. 19.15 — Биз — етмишинчи йиллар комсомоллари. 19.45— **«Ахборот».** 20.00 — Фильм-концерт. 20.15 — **«Октябрь менинг тақдиримда».** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20— Лирик концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Ўзбекистон чорвадори. 22.50 — В. Гафуров. **«Вафодор»** (кўп серияли телеспектакль, 4-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Шифокор экрани. 19.35 — «Дўстлик қўллари». 19.55 — Адабиёт. 20.25 — Янгиликлар. 20.45 — Химия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — **Лирик қўшиқлар.** 9.30 — Композитор И. Акбаров асарлари. 11.15 — Коммунизм қурилиши йўлидаги тарихий босқич (суҳбат). 11.30 — Ўзбекистон артистлари ижросида жаҳон халқлари куйлари. 12.10 — **Ўзбекистон ишчиси.** 13.00 — КПСС XXV съезди делегатлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 13.30 — Совет композиторларининг оперетталаридан саҳифалар. 14.00 — **Ҳосилдорлиги ошириш — асосий мезон.** 16.10 — Ўзбекистон композиторлари ижодида меҳнат мавзуи. 19.00 — М. Чернова. «Маниий хизмат кўрсатиш корхоналарининг коммунистлари» (радиоочерк). 19.20 — **«Ёшлик»** радиостанциясининг программаси. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Самарқанд область театр артистлари ижро этадилар. 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.** 22.30 — **«Октябрь байроғи остида».** 22.40 — **«Оқ йўл».** Б. Ҳолбекова шеърлари ва ёш актёр С. Умаров ҳақида ҳикоя. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 01226. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 46.